

## НЕМИС ТИЛИ БАДИЙ АСАРЛАРДА ФРАЗЕОЛОГИЗМЛарНИНГ СТРУКТУРАЛ СЕМАНТИК ТАДҚИҚИ

Муаттар Ҳамраева

ЎзМУ, ХФФ, Лингвистика (немис тили)

мутахасислиги 2 курс магистранти

Илмий раҳбар: ф.ф.н., доц.в.б. Зулхонов М.Ж.

### АННОТАЦИЯ

Хозирги босқичда тиллардаги фразеолизмларни тадқиқ этишига катта эътибор берилмоқда. Шундай тадқиқотлар натижасида фразеология тилишуносликнинг алоҳида соҳаси сифатида шакланди. Бу ҳолат фразеологизмларни янада чуқурроқ илмий тадқиқ этишини тақазо қиласди.

**Калим сўз:** Немис тили, фразеолизм, лексик, семантик, грамматик, тадқиқот.

### АННОТАЦИЯ

На современном этапе большое внимание уделяется изучению фразеологии языков. В результате такого исследования фразеология сформировалась как отдельный раздел языкоznания. Эта ситуация требует более глубокого научного изучения фразеологии.

**Ключевые слова:** немецкий язык, фразеология, лексика, семантика, грамматика, исследование.

### ABSTRACT

At the present stage, much attention is paid to the study of the phraseology of languages. As a result of such a study, phraseology was formed as a separate section of linguistics. This situation requires a deeper scientific study of phraseology.

**Keywords:** German, phraseology, vocabulary, semantics, grammar, research.

### КИРИШ

Сўзлар тилнинг барча лексик, семантик, грамматик соҳаларида кенг ўрганилаётган бўлсада фразеологизмлар, бу сатҳларда ҳар томонлама ўрганилди дея олмаймиз. Фразеологизмларнинг маъно таркиби, маъно тараққиёти, ҳосил бўлиш йўллари кабилар ўз тадқиқотчиларини талаб қиласди.<sup>1</sup>

### МУХОКАМА ВА НАТИЖАЛАР

<sup>1</sup> Xoziyev A., Begmatov E. Hozirgi o`zbek adabiy tili va uni o`rganishni aktual masalalari//O`zbek tili va adabiyoti, Toshkent, 1992, 5-son, 7-bet.

Фразеологизмлар тузилиши, лексик-семантиқ, функционал-услубий ва синтактик вазифалари, шунингдек, ўзига хос шаклланиш ҳусусиятларига эга бўлган тил бирлигидир. Улар лексикадан юқори, гапдан қуиि сатҳда турадиган тил ҳодисаси сифатида тилшунослярнинг эътиборини тортиб келмоқда.

Фразеологизмларнинг шаклланиши мураккаб кечади. Ҳозирга қадар фразеологик шаклланиш сўз ясалишининг давоми сифатида тадқиқ этилиб, асосий эътибор сўз ясалишининг ҳусусиятларига қаратилди. Натижада фразеологик шаклланишнинг ўзига хос восита ва усувлари етарли даражада тадқиқ этилмади.

Фразеологизмларнинг семантиқ – структуравий таснифи устида жуда кўплаб тилшунослар илмий тадқиқот ишларини олиб борган. Шулар жумласидан В. Флайшер ишлаб чиқилган семантиқ – структуравий нуқтаи назаридан таснифда семантиқ мезонлар (идиомалик ва лексик – семантиқ барқарорлик) ва иборанинг тузилиши (сўз туркумлари ва жумла тузилиши) ҳисобга олинади. Бу мезонларга кўра, ўз навбатида барқарор ифодалар деб номланадиган барча иборалар қуидаги гурухларга бўлинади.

Юқорида келтириб ўтилган ибораларнинг семантиқ – структуравий таснифига асосан, немис тили ҳикоя ва эртакларидағи фразеологияларнинг ва уларнинг таркибий тузилишларини немис эртакнавис ёзувчилар aka – ука Гrimmlarнинг эрталарида қўлланилган фразеологизмлар мисолида куриб таҳлил қилинди.

Масалан, Хансел ва Гретел эртгида қуидаги жумлалар мавжуд:

"... *Er hatte wenig zu beißen und zu brechen, und einmal, als große Teurung ins Land kam, konnte er auch das tägliche Brot nicht mehr schaffen.*" Ушбу жумлада келган фразеологизм "nichts zu beißen und zu brechen haben" фразеологизмининг семантиқ - структуравий ҳусусиятига кўра P + V + Vдан иборат бўлиб, ушбу иборанинг компонентларини бошқа сўзлар билан алмаштиrsa бўлмайди, аммо худди шу маънони берувчи вариантдош иборалар мавжуд. Масалан, "*nicht viel zu brechen und zu beißen haben, wenig zu brechen und zu beißen haben, nichts zu beißen haben*"

Немис тилшуноси Ҳаралд Бургер ўз навбатида идиомалар семантиқ жиҳатдан уч турга ажратилади. Булар қуидагилар тўлиқ идимолар (Vollidiomatisch) ва қисман идиомалик (Teilidiomatisch) ва идиома бўлмаган, колакацияларга (nicht Idiomatisch oder Kollaktion)га бўлинади. Эртакда келтирилган фразеологизм тўлиқ ибора (Vollidiomatisch) бўлиб, таркибидағи биронта сўз ҳам ўз маъносида қўлланилмайди, яън Hungern, nicht zu essen

*haben, Hunger leiden* (очликдан азобланмок) деган маънони беради. Ушбу фразеологизмнинг пайдо бўлиш жараёни ва унинг тариҳи жуда қизиқарли.

Азалдан нонни синдириш одат бўлиб қолган. Муқаддас китоб инжилда шундай дейилган: "*Нонни очларга синдиринг ва бошпанасизларни уйларга олиб киринг*". Нонни синдириш бу - овқатни жамиятга бўлишиш ва меҳмондўстликни англатади. Ким тишлолмаса, демак у камбағал, ейишига ҳеч нарсаси йўқ бўлади, кимда ким синдиrolмаса демак, у барча динларда асосий рол ўйнайдиган меҳмондўстлик тамоилини бажара олмаган ҳисобланади. Тишлинослик нуқтаи назаридан олиб қарасак бадиий асарларда қаҳрамонлар тамонидан автор маҳорат билан танлаган баъзи фразеологизмлар немис тилида келиб чиқиши узоқ тарихга бориб тақалади.

*Da scheint der Mond ganz hell und weißen Kieselsteine, die vor dem Haus lagen, glänzten wie lauter Batzen,* яъни оймомо ёп – ёруғ нур сочар, уй ёнида ётган оппоқ мармар тошлар эса худди юм юмaloқ танга сингари ярақлар эди.

Ушбу *glänzten wie lauter Batzen* биримаси фразеологиянинг семантикасига кўра қиёсий (Korporative Phraseologismen) гурухига киради ва "*йалтироқ танга сингари порламоқ*" деб таржима қилинади.

Структуравий таснифга кўра ушбу фразеологизм Adj. + S+ Vдан ташкил топган. "Фразеологик қиёслар" деб ҳам юритиладиган қиёсий фразеологизмлар ўзига хос шакллантирувчи тузилмаларга боғланган. Улар ўз навбатида маҳсус семантик муносабатлар орқали қурилган. Қиёсий фразеологизмлар аниқлик, яъни аниқ таққослашни ўз ичига олади. Бу эса ўз навбатида биричи навбатда сифат ёки феълни ифодали равишда мустаҳкамлашга хизмат қиласи. Масалан, *schön wie ein Blume, Schlag wie ein Fuchs, sich benehmen wie ein Elefant in Porzellanladen* кабиларни келтириш мумкин. Х.Бургернинг назариясига кўра, қиёсий фразеологизмлар (ёки "фразеологик қиёслар" кўпинча ўз эркин маъносида қўлланган феъл ёки сифатдошни кучайтиришга хизмат қилувчи қатъий таққослашни ўз ичига олади.

*frieren wie ein Schneider*

*dumm wie ein Bohnenstroh*

Мантиқий – семантик нуқтаи назардан таққослаганди, улар учта асосий элементлардан иборат бўлиб, маҳсус адабиётларда турли атамалар билан номланади.

*Jemand*

*Vergleichobjekt*

*stumm*

*tertium comparationis*

*Fisch*

*Vergleichmaß*

Бу мисолда таққослаш обекти – одамлар, балиқ – ўхшашик ўлчови ҳисобланиб, улар ўртасида ўхшашик борлиги қўринади. Яъни (кимдир) балиқ каби соқов ёки *jmd. fühlt wohl wie ein Fisch im Wasser* таққослаш сув қанчалик шаффофлигига қараб қисман идиома сифатида намоён бўлади.<sup>2</sup> Эртакда таҳлил қилиш жараёнида қўплаб тилшунос олимларнинг баҳс – мунозараларига сабаб бўлган ва фразеологиянинг ичига киритлган мақоллар ҳам таҳлил жараёнида турли муаммоларга дуч келиш мумкин. Маслан:

*"Es wäre besser, daß du den letzten Bissen mit deinen Kindern teilstest. Aber die Frau hörte auf nichts, was er sagte, schalt ihn und machte ihm Vorwürfe. Wer A sagt, muß B sagen, und weil er das erstemal nachgegeben hatte, so mußte er es auch zum zweitenmal."* "Охирги луқмани фарзандларинг билан баҳам кўрсанг яхши бўларди. Аммо аёл унинг ҳеч бир гапига қулоқ солмади, унга дўқ қилиб қоралади. **Ким A деса, Б дейиши керак** ва у биринчи марта бергани учун иккинчи марта бажариши керак эди."

Эртакдаги бу мақолни *"Wer A sagt, muß B sagen"* "Ким A деса, Б дейиши керак" деб тушуниш керак, яъни бирор ишини бошладингми охиригача бажар деган маънони беради.

## ХУЛОСА

Мақоллар контекстга бирон бир лексик элемент орқали боғланиши шарт бўлмаган ўз-ўзидан таркиб топган жумлалардир. Одатда “ёпиқ шакл” деб аталадиган мақолллар семантик ва коммуникатив хусусиятларининг ифодасидир. Мақолни ўрганиш халқ оғзаки ижодида узоқ анъанага эга ва "паремиология"га тегишилидир. Мақолларнинг ўз-ўзидан, яхлит жумлалар ташкил этиши, уларнинг мустақил “микроматн” сифатида тақдим этилишини семантик даражасини қўрсатади. Улар (барча фразеологизмлар каби фақат нисбатан барқарор) бирликлар сифатида қўлланилади.

## REFERENCES

1. Harald Burger. Phraseologie. Eine Einführung am Beispiel des Deutschen. Berlin, Erich Schmidt Verlag GmbH, 2010, S.46
2. Xojoyev A., Begmatov E. Hozirgi o'zbek adabiy tili va uni o'r ganishni aktual masalalari//O'zbek tili va adabiyoti, Toshkent, 1992, 5-son, 7-bet.
3. Akmalova, P. D. (2019). The concept of moral personality development in creativity of thinkers of central asia. *ACADEMICIA: An International Multidisciplinary Research Journal*, 9(1), 135-141.

<sup>2</sup> Harald Burger. Phraseologie. Eine Einführung am Beispiel des Deutschen. Berlin, Erich Schmidt Verlag GmbH, 2010, S.46